O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига бағишланган тантаналар иштирокчиларига

Муҳтарам дўстлар!
Азиз ватандошлар!

Тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлган мустақил юртимизда бугун яна бир тантана. Ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст намояндаси — бетакрор шоир, йирик таржимон, салоҳиятли тарихнавис олим ва йирик давлат арбоби Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллуд топганига 190 йил тўлди.

Қадим Хоразм инсониятнинг ақлий ва маънавий тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган алломалар юртидир. Бу қутлуғ заминда башариятни эзгуликка чорлаган «Авесто"дек муқаддас китоб яратилган, ўз давридаги жаҳон илм-фанининг маркази ҳисобланган Маъмун академияси фаолият кўрсатган. Илмий ва бадиий тафаккури қудрати билан дунёнинг не-не аҳли донишларини ҳайратга солган ўнлаб хоразмийлар халқимизнинг буюк истеъдоди ва иқтидорини оламга танитганлар. Ахир, бундан ифтихор қилмай, ғурурланмай бўладими?!

Бугунги байрам ҳам айни шу ифтихор ва ғурурнинг яна бир намойишидир. Бу байрам фақат адабиёт шодиёнасигина эмас, балки халқимизнинг бой ва қадимий маданияти, фани ва санъатига бўлган азалий эҳтиром ва эътиборнинг узвий давоми ҳамдир. Зеро, кўп қиррали истеъдод соҳиби Огаҳий миллатимиз тимсоли саналмиш улуғ Алишер Навоий сингари инсоннинг маънавий камолоти билан боғлиқ деярли барча соҳаларда самарали ижод қилди. У улкан шеърий девонни, ўнлаб йирик бадиий, тарихий ва фалсафий асарлар таржимасини, кўплаб тарихий-илмий рисолаларни биз — авлодларига мерос қилиб қолдирди.

Агар Огаҳийнинг бош мироблик илми ва тадбиркорлиги Хоразм заминини сув билан яшнатган бўлса, унинг бадиий тафаккури ва кўнгил зиёси миллатимиз қалбини сўнмас қадриятлар билан нурафшон этди.

Биз бугун донишманд аждодларимиздан тинимсиз сабоқ олишимиз нақадар зарур. Шу жиҳатдан Огаҳийнинг мана бу байтига алоҳида эътибор беришингизни хоҳлардим:

Бу гулшан сайрин этсанг, босма густоҳона туфроқни,
Ки, ҳар гом остида бир пайкари озода мадфундир.

Бу мисраларда нақадар теран фалсафий ҳақиқат акс этган. Дарҳақиқат, она Ватанимиз тупроғи мўътабар аждодларимизнинг жисми жонидан яралгандир. Уни эъзозлаш, ҳимоя қилиш, турли нопок кимсалар оёғи остида топтатмаслик барча авлодларнинг муқаддас бурчи.

Муҳтарам дўстлар!

Халқнинг халқ, миллатнинг миллат бўлиб шаклланишида тарихий-маданий хотира, буюк аждодлар ёдининг аҳамияти беқиёсдир. Ҳар бир ватандошимиз қалбида сўнмас ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотувчи мана шундай боболаримиздан бири, мутафаккир адиб Огаҳийнинг муборак тўйи барчангизга қутлуғ бўлсин!

Мустақил мамлакатимизнинг мустақил ва соғлом авлоди ўз аждодларига муносиб инсонлар бўлиб етишганини кўриш ҳаммамизга насиб этсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шоир хотирасини эъзозлаб

Хоразмда ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндаси Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

...17 декабрда халқ анъанасига кўра, шоирнинг сўнгги макони бўлган "Шайх Мавлон бобо" қабристони зиёрат қилинди. Огаҳийнинг хотирасига ҳурмат билдириш мақсадида, Тошкентдан, Қорақалпоғистон Республикасидан, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан кўплаб ёзувчилар ва олимлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди. Юбилей арафасида Огаҳий ва унинг тоғаси, машхур шоир Шермуҳаммад Мунис қабрлари узра барпо этилган муҳташам мақбарада аждодларимиз хотираси ёд этилди.

Юбилей иштирокчилари, шунингдек, Хива туманининг Эски Қиёб қишлоғидаги Огаҳийнинг уй-музейида ҳам бўлишди. Бу ерда шоир ва олимнинг бой адабий ва илмий меросининг турли жиҳатларини ёритувчи, ижодини тадқиқ этувчи замонавий илмий асарлар экспозицияси ташкил этилган.

Хивадаги Маъмун академиясида «Шарқ халқларининг маънавий-маърифий тараққиётида Огаҳий илмий-адабий меросининг аҳамияти» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан вилоят ҳокимлиги ва Маъмун академияси билан биргаликда ташкил этилди. Конференцияда сўзга чиққан мамлакатимизнинг таниқли адабиётшунос олимлари ўз маърузаларида ўзбек адабиёти ривожида Огаҳий ижоди алоҳида ўрин тутишини таъкидладилар.

Сўнгра, юбилей тантаналари Урганч шаҳрида давом этди.

Шоир номи билан аталадиган майдондаги Огаҳий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Огаҳий номидаги вилоят театрида шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилояти жамоатчилиги вакиллари ва кўп сонли меҳмонлар қатнашди. Йиғилишни вилоят ҳокими И. Бобожонов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Огаҳийнинг 190 йиллик тўйига бағишланган тантаналар иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева шоирнинг ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшганлигини қайд этдилар.

Тантаналар таниқли санъат усталари иштирокидаги катта концерт билан якунланди.

Т. ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 18 декабрь, шанба • № 149 (25.544).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ислом Каримовнинг сайловчилар билан учрашувлари

Келажак асрнинг ибтидоси Ўзбекистон тарихида халқимизнинг келгуси тақдирини белгилайдиган муҳим тарихий воқеа билан боғлиқ. 2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу сайлов давлатимизнинг асоси бугунги кунда шаклланаётган буюк келажаги сари олға босишида катта роль ўйнайди. Унинг белгилари давлатчилигимизнинг мустаҳкамланиши, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, содир бўлаётган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мамлакат аҳлининг тинч, осойишта ҳаёти, келажакка бўлган ишончида ўз ифодасини топмоқда.

Мазкур муҳим сиёсий тадбир арафасида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. 17 декабрда Наманганда номзоди Фидокорлар миллий-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган Ислом Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Наманган вилоятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-сайлов округи комиссияси раиси Ҳамид Аҳмадхўжаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон халқ шоири, «Маънавият ва маърифат» вилоят кенгашининг масъул котиби Ҳабиб Саъдулла йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил халқимизнинг мустақил суверен давлат тузиш борасидаги асрий орзуси Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этди. Қисқа тарихий давр мобайнида жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар туфайли халқимиз, давлатимиз дунёга танилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Ислом Каримов Наманган вилоятининг мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятида, маданий ва маънавий тараққиётида кўп жиҳатдан етакчи ўрин эгаллашини қайд этди. Қайси соҳани олиб кўрмайлик — саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш — уларнинг ривожланишига вилоят ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Келажакка йўналтирилган устувор масалалар хусусида тўхталар экан, Ислом Каримов вилоят йўл қурувчиларининг Қамчиқ довонида ер ости йўли қурилишига катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Яқин кунларда бу ерда халқаро трасса ўз ишини бошлагач, нафақат Наманган вилоятининг, балки бутун Фарғона водийсининг қиёфаси ўзгариб кетади.

Қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар билан биргаликда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар талайгина. Бу соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш борасидаги тадбирлар қаноатланарли эмас.

Ислом Каримов қайд этдики, ҳукуматимизнинг ўтган йили қабул қилган махсус қарорига кўра, вилоятда суғориладиган майдонларни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, 30 километрли «Машканал» сув иншоотини қуриш мўлжалланган. Улар янги иш ўринларини барпо этиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, ушбу канал фойдаланишга топширилгач, 24 минг гектар янги ер ўзлаштирилади, ўз инфратузилмасига эга учта янги шаҳарча қурилади, 35 мингта янги иш ўринлари барпо этилади.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватловчи самимий сўзлар айтишди. Қайд этилдики, Ислом Каримов — барқарорлигимиз, мамлакатимиз танлаган сиёсий ва иқтисодий йўлининг ўзгармаслиги, Ватанимиз эркинлиги ва равнақи, болаларимиз ва невараларимизнинг фаровонлиги ва бахтининг асосий кафилидир. Бу ҳақда Тўрақўрғон тумани, Сайрам қишлоғи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Ботиров, Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Дилдора Аҳмедова, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилояти бўйича вакили Абдулҳай Турсунов, «Наманганирқурилиш» трестининг бошқарувчиси Шокиржон Матмусаев, Чуст шаҳар Педагогика билим юрти ўқувчиси, ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодирова тўхталиб ўтишди. Улар вилоятнинг барча сайловчиларини 2000 йил 9 январда бўладиган сайловда Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақиришди.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Андижон шаҳрида вилоят сайловчилари билан ҳам учрашди. Уни Ўзбекистон Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон сайлов округи раиси Тўхтан Мирзаев очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили, «Андижоннома» газетаси муҳаррири Назиржон Саидов учрашув қатнашчиларини Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У ўз сўзида Ислом Каримов миллий мустақиллигимиз асосчиси, истиқлол йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган туб ислоҳотлар, юртимизнинг шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг ташкилотчиси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз оғир ва машаққатли, мардона ва қаҳрамонона меҳнат туфайли андижонликлар бугунги кунда нафақат Ўзбекистонни, балки узоқ ва яқин қўшниларимизни ҳам ўз ютуқлари билан ҳайратда қолдираётганини қайд этди.

Янги ерларни ўзлаштиришнинг деярли имконияти йўқ бўлган шароитда вилоят деҳқонларининг ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, юқори ҳосил етиштираётгани таҳсинга лойиқ. Жорий йилда андижонликлар 527 минг тонна ғалла етиштириб, ҳар гектар ердан ўртача 70 центнердан ҳосил олди, республика вилоятларига 200 минг тоннага яқин сара уруғлик дон етказиб берди.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб, бугунги кунда корхонанинг вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 52,7 фоизни ташкил этмоқда. Завод ишга тушгач, унинг учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар тизимини барпо этиш мақсадида махсус маҳаллийлаштириш дастури қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда кўпгина долзарб ва муҳим масалалар қаторида ортиқча ишчи кучини, айниқса қишлоқ жойларида банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш асосий вазифалардан биридир. Давлатимиз раҳбари бу борада вилоятда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлигини айтиб ўтди. Чунончи, вилоятдаги саноат корхоналари қувватларидан бугунги кунда фақат 55-60 фоиз фойдаланилмоқда.

Ислом Каримов ўз нутқида вилоятда ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларнинг ҳозирги даражасини ижобий баҳолаб, уларни янада ривожлантириш йўлларини кўрсатиб ўтди.

Халқимиз ўз тараққиёт йўлини аниқлаб, ривожланиш босқичига чиқиб олди. Ҳаммамиз учун азиз ва мўътабар Ватанда яшаётган барча миллат ва элатлар ягона мақсад — Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш йўлида астойдил хизмат қилмоқда, деди Ислом Каримов.

Учрашувда сўзга чиққан Шаҳрихон туман касалхонаси шифокори Юлдузхон Раҳматова, бокс бўйича жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров, Андижон давлат тиббиёт институти профессори Комилжон Мирзаев, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомов халқимизнинг фаровон кунларга тезроқ етиши, барча орзуниятлари ижобат бўлишини Ислом Каримов номи билан боғлашларини билдириб, Президент сайловида Андижон аҳлини унинг номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Шу куни Ислом Каримов Давлат шошилинч тиббий ёрдам марказининг Андижон филиали билан танишди. Йўлбошчимиз шифохонанинг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, шинам ва ёруғ хоналарини кўздан кечириб, бундай масканлар аҳолининг барча қатламларига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги Оқёр касб-ҳунар коллежини бориб кўрди. Ўқув юртининг ўқитувчи ва талабалари билан суҳбат чоғида бундай замонавий билим даргоҳлари баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилиши лозимлигини қайд этди.

(ЎзА)

Фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан

Жиззах. **1999 йилнинг 13 декабрь куни бу ерда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалоловнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.** Унда сиёсий партиялар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, илм-фан, тиббиёт, маориф соҳаси, фуқаролар йиғинлари фаолларининг вакиллари, журналистлар ва бошқалар иштирок этдилар.

Учрашувни, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси Х. Шукуров олиб борди.

Президентликка номзод А. Жалоловнинг ишончли вакили Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби И. Умурзоқов, йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У, А. Жалолов, нуфузли сиёсий кучлардан бири — Ўзбекистон Халқ демократик партиясини бошқараётган жамоат арбоби ҳамда Ўзбекистон ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтига раҳбарлик қилаётган етук олим сифатида, мамлакатда таниқли эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Президентлигига номзод Абдулҳафиз Жалолов учрашувда нутқ сўзлади.

Йиғилганларга мурожаат этиб, у Жиззах вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига салмоқли ҳисса қўшатётганига эътибор қаратди. Бу ерда, жорий йилда, умумиқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари, саноат ишлаб чиқаришнинг тобора ошиб бориши таъминланмоқда. Истеъмол молларнинг ишлаб чиқарилиши, ўтган йилга нисбатан, салкам учдан бир қисмга ошди. Вилоят, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги асосий кўрсаткичларнинг барчаси бўйича, яхши натижаларга эришди. Бунинг барчаси ҳудуднинг жўшқин ривожланаётганлигидан далолат беришини таъкидлаб, номзод, вилоят меҳнаткашларининг бунёдкорлик ишларида муваффақиятлар тилади.

А. Жалолов ўз сайловолди дастури билан таништирар экан, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унда ҳаракатдаги қонунларга содиқлик, уларни изчиллик билан амалга оширишга виждонан хизмат қилиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш мақсади негизида тузилганлигини таъкидлади.

Дастур, давом этди нотиқ, авваламбор, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш манфаатлари, унинг дунё ҳамжамиятидаги илғор давлатлар ўртасида муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатда, ҳар бир фуқарога инсон учун муносиб яшаш шароитлари ва фаровонликни таъминлай оладиган, барқарор бозор иқтисодиётига эга, эркин демократик жамиятни барпо этишни таъминлашга қаратилган. Ушбу стратегик мақсадларга эришиш учун, унда, бир қатор устувор сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишни кўзда тутилмоқда.

Сиёсий жиҳатдан, асосий йўналиш, бу — демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдир. Фақат асл демократик ижтимоий ўзгариш ва ислоҳотлар инсон ҳамда халқни давлат ва жамият тараққиёти, ривожининг бош мақсадига айлантириши мумкин.

Жамиятни демократлаштириш, бу — шунчаки, оддий бир, мақсад эмаслигини назарда тутиш керак. Бунинг асосий вазифаси — жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаққоний сўзини ҳаётда ўтказа олиши, фуқаронинг турмуш даражаси ва сифатининг бевосита катта сиёсат билан боғлиқлиги сабабли, унинг мазкур сиёсатга таъсир эта олиш имкониятига эга бўлишининг зарур шарт-шароитларини яратишдир иборат.

Демократия, бу — жамиятда одамларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолликларини намоён этишларига ҳеч қандай чек қўйилмаганлигида эмас. Демократия, авваламбор, бу — жамият аъзолари тегишли савия даражасининг муҳим кўрсаткичидир. Ушбу савия, биринчидан, фуқароларнинг демократик ҳуқуқий, сиёсий, маънавий маданиятга эга эканликларидан далолат беради. Иккинчидан, бу — жамиятда кишиларнинг ўзини ўзи бошқарувини англатувчи, умумий маънода, «фуқаролик жамияти» тушунчаси билан таърифланадиган, ассоциатив тизимларнинг чекланмаган тарзда кенг тармоғининг қарор топиши ва уларнинг мунтазам ишлаб туришидир, бу — одамларнинг ижтимоий ҳамда сиёсий фаолликларининг намоён этилиши ҳамда уларнинг кўп қиррали манфаатларини қондиришни амалга оширилиши шароитларини яратилишининг табиий заминидир.

Бошқача қилиб айтганда, сиёсий соҳани янада эркинлаштиришнинг асосий вазифаси, бу — бир томондан, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий идоралари, унинг учта тармоғи, иккинчи томондан, давлат ҳокимияти ҳамда фуқаролар ўз ўзини бошқариш органлари ўртасидаги вазифаларнинг оқилона, демократик тарзда тақсимланиши орқали, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда, ўз истиқомат жойларида ишлаб чиқаришда ёки тадбиркорликда ўзини намоён этиши, яхши яшаши учун зарур эҳтиёжларни қондиришнинг кенг имкониятлари яратилиши лозим.

Бу ерда янги иш ўринларини барпо қилиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Яъни, булар - иқтисодиётнинг таркибий қайта қуриш ва истеъмол молларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти хомашёсини қайта ишлаш корхоналари махсус мажмуасини ташкил этиш бўйича, тезкор чоралар қабул қилишни кўзловчи, тегишли инвестиция сиёсати доирасида ҳал этиладиган вазифалардир.

Нотиқ томонидан таъкидланганидек, ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши аҳолига нафақат янги иш ўринлари ва муносиб иш ҳақини, балки, умуман, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамланишини ва унинг ички бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар ҳамда хизматлар билан тўлдирилишини тезлаштиради.

Шу билан бир вақтда, аҳолининг кам таъминланган қатламлари — нафақадорлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ўқувчи ёшлар, қаровсиз қолган кекса кишилар ва болалар, уларнинг, пулнинг қадрсизланиши туфайли энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари миқдорлари пасайишини тегишлича қопланиши орқали, мақсадли ижтимоий ҳимояланишлари керак.

Лекин, фақатгина давлат бюджети ҳисобидан эмас. Балки, ижтимоий муҳофазага муҳтож одамларни ҳимоя этиш чораларини амалга оширишда барча шаклдаги мулкчилик тизимларида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва фуқароларнинг бу ишда фаол манфаатдорона қатнашишларининг иқтисодий, ҳуқуқий шароитлари жиддий тизимини яратиш йўли билан ҳам.

Жамиятни ислоҳотлаштириш ва янгилаш вазифалари тўғрисида гапирар экан, номзод, бунда ёшлар сиёсатининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Айнан, яқин ўтмиш таъсирида вужудга келган яроқсиз одатлар, нотўғри ақидалар билан заҳарланмаган, янги шароитларда ўсаётган, тарбияланаётган ёш авлод олдида XXI асрда республикамиз тақдирини ўз қўлларига олиш ва уни тараққиёт ҳамда фаровонликка ишонч билан олиб бориш вазифаси турибди.

Ушбу мақсадда ҳар бир ёш инсоннинг, эркин ва баркамол шахс сифатида, ижтимоий шаклланиши учун сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, моддий-техникавий шароитларни яратиш ҳаракатларини давом эттириш керак. Ёш авлод, мамлакатимизнинг буюк келажаги манфаатлари йўлида, халқимизнинг инсонпарварлик ва ахлоқий анъаналарнинг муносиб меросхўрлари бўлиши, жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларини эгаллаб олишлари учун жамият барча зарур чораларни кўриши лозим.

* * *

Учрашувда сўзга чиққан Жиззах шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Ш.Ахророва, Ўзбекистон ХДП Ғаллаорол туман кенгаши биринчи котиби Б.Темиров, Дўстлик тумани «Истиқбол» фуқаролар йиғини раиси С. Усмонов ва Жиззах шаҳар Навоий номидаги фуқаролар йиғини раиси Н. Сувонқуловлар номзоднинг сайловолди дастури ғояларини маъқуллаб, йиғилганларни, мамлакатимизнинг янада гуллаб яшнаши, аҳолининг фаровонлигини ошириш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида, 2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашишга чақирдилар.

Ўзбек бойиса...

Истиқлол шарофати

... Истиқлолнинг саккиз йиллиги кечди — тарихга айланди. Тўққизинчи йил залворли қадамларни бошлади.

Хоразмликлар учун ушбу йил — баҳор-ёз ва ҳатто куз мавсуми алоҳида ўрин тутгулик. Йўқ, гап даладаги ҳосилда эмас. Деҳқончилик маҳсулотлари режаси бир йил кўпроқ, бир йил сал кўнгил тўлмайроқ бўлсада чиқаяпти. Бу йил ҳам чакки эмас — ғалла мўл бўлди, пахта ва шоли ҳосили ҳам....

Бу йил хоразмликлар ҳар йилгидан кўпроқ иморат тикладилар ва ҳамон бу жараён давом этмоқда.

Хоразмча иморат тиклаш айтишга осон. Энг камида беш-олти хоналиқдан тортиб ўн-ўн беш хоналиккача ҳашаматли иморат қуриш бунда русумга кирган.

Шағал-цемент-қум фундамент! Ўртача олти-етти хоналик иморатнинг пойдеворини тиклаш учун камида икки юз минг сўм кетади. Кейин ким имконига қараб икки, ким уч, ким тўрт қатор ғишт теради. Бунга ҳам тўрт-беш минг дона ғишт, цемент, шағал ва ҳоказо... яна юз мингни қўшинг!

Кейин иморатнинг деворини тиклаш бошланади. Неча минг йиллик боболардан қолган одатга кўра девор одатда лойдан тикланади. (Айрим бойваччалар ғиштдан девор тиклаб, ёзда иссиқдан, қишда совуқдан безор бўлганлари бор гап!) Лой келтириш, усталарга бериладиган иш ҳақи, ҳашарга келганларга ош-туз ва бошқа майда-чуйдаларни ҳисоблаганда бунга ҳам энг ками билан икки юз минг сўм индамасдан кетади. Энди ҳисоблаб кўринг — олти хоналик иморатни тиклаш учун ярим миллионнинг нари-берисида маблағ керак! Биз ҳали эшик-деразани, томни бостириш учун ёғочни ва пол-шип учун тахта-ёғочни айтмаяпмиз. Кимда ўзи эккан терак бор, ким эса бозордан харид қилади. Бунга ҳам ярим миллион сўм керак! Ана шундай қилиб, бир оила янги иморат тиклаб унга кўчиб ўтиши учун миллион сўм атрофида маблағ зарур!

Нима деяпмиз? Одамлар кўплаб иморат қуришаяптими — демак уларда ана шу маблағ, шу имкон мавжуд!

... Кунаро вилоят марказига ишга қатнайман. Баҳор-ёз бўйи машина ойнасидан қад ростлаётган янги иморатларни кўриб бораман. Айрим қасабаларда ўн-ўн бешта ҳашарга келган. Халқнинг ўлмас анъанаси туфайли иморат қурмоқ бўлган одамнинг юмушлари бир оз енгиллашади. Ахир, олти-етти хоналик иморатнинг тўрт пахса деворини ўн-ўн беш кун ичида тиклаётганлар озмас.

Иморатга ҳашарга одамлар оқиб келадилар. Дошқозонларда ош пиширилади. Икки-уч марта овқат тортилади.

Умуман бу йил вилоятда қанча хонадон иморатини янгилади экан? Тўғриси, бу рақамни ҳали ҳеч ким тўлиқ ҳисоблаб чиқмагандир? Қурилишлар давом этмоқда. Биргина бизнинг қишлоқда салкам қирқ хонадон янги иморат тиклади.

... Қўшни қишлоқлик ҳайдовчи Саъдулла ака икки ўғлига атаб икки иморатни баҳордаёқ қуриб битказиб, ҳатто кўчиб киришга эришди. Оддий пудратчи Турсунбой ака ҳам бир мавсумда икки иморат эгаси бўлганлардан.

... Беш-олти йиллар муқаддам — мустақилликнинг илк даврида тўғриси Хоразмда иморат тиклаш сал бўлмаса энг мушкул муаммога айланганди. Ҳатто бир неча йил бутун-бутун қишлоқларда иморат қурган киши бўлмади. (Биз бу ўринда икки-уч ойда силикат ғиштдан икки-уч қаватлик кошона қурган, қураётган айрим амалдорлар ва бизнесменларни айтаётганимиз йўқ! Гап оддий кишилар-асосан деҳқонлар тўғрисида).

«Замонлар яхшиланди, буни одамларнинг иморатларни қаторлатиб тиклаётганларидан билса бўлади. Худога минг қатла шукрлар бўлсин!» дейди кекса онам.

Бугун «фалончи иморат тиклабди» деса мен унинг суратида бой-бадавлат ўзбекни кўраман.

Фалон қишлоқда фалон киши турар-жойини янгилади, деса демак, юртда яна фалон нафар миллионер пайдо бўлибди, деган ўйга бораман.

... Халқимиз феълига мос топиб айтилган матал бор: «Ўзбек бойиса иморат тиклайди!»

Истиқлол берган неъмат ҳақда яна нима дейиш мумкин!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Поезд қатнай бошлади

Навоий — Учқудуқ — Султонваиздоғ — Нукус темир йўлининг 115 километрлик қисми бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилди. Кеча Тўрткўл шоҳбекатида ана шу воқеа муносабати билан ўзига хос тантана бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон ва Хоразм меҳнаткашлари учунгина эмас балки, бутун мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида алоҳида аҳамият касб этувчи бу йўл қурилиши қисқа муддатда якунланди. Келаси йили Учқудуқ бекатигача поезд излари ётқизиш мўлжалланган.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА

Ҳиссадорлар муваффақияти

«Қаршиозиқовқат» ҳиссадорлик жамияти аъзолари йил бошидан буён маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга оширишга муваффақ бўлдилар. Шу йилнинг январь-ноябрь ойлари ичида 17,5 миллион сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 142,0 фоиз маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Жамият раиси Х. Ортиқовнинг таъкидлашича, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръатининг тез ўсишига ишлаб чиқаришга янги технологиялар жорий этилиши билан бирга маҳсулотлар харидоргирлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Илҳом ҚАРОМОВ

Ҳуқуқий давлат пойдевори

Дунёда давлатлар кўп, халқлар кўп. Ҳар бир давлатнинг ўз йўриғи ва ўз давлат тизими бор. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам истиқлол ва тараққиёт йўли мавжуд. Бу йўл бизни ойдин келажак, буюк саодат сари олиб боради. Биз бу йўлдан оғишмаймиз, бизнинг мустақиллигимизни, озодлик ва ҳуқуқимизни таъмин этган Конституциямиз бор. Биз уни жаҳонга кўз-кўз қилсак арзийди.

Конституциямиз қабул қилинганига етти йил тўлди. Конституциямиз кунига бағишланиб «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов янги — 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб аташни таклиф қилдилар. Бу таклиф нақадар халқчил ва адолатли бўлибгина қолмай, маънавиятимиз гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам пойдевордир.

Шу кунларда Қомусимизни шарафлаб, тараннум этувчи бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Тошкент давлат юридик институтида ҳам икки кун мобайнида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилик» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституция суди раиси Б. Эшонов «Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили сифатида», институт проректори Й. Каракетов «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунчилик масалалари», профессор А. Тўлаганов «Конституциянинг ҳуқуқий давлат қурилишидаги аҳамияти», профессорлар З. Исломов ва И. Рамазановлар эса «Конституция ва кучли ижроия ҳокимияти — барқарорлик ва тараққиёт омили», «Конституциямиз — давримизнинг муҳим сиёсий ҳужжати» мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуман ниҳоясига етди. Унинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бизнинг онгимизни ёритиб, келажакка ўткир нигоҳ билан назар ташлашга даъват этади.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси

Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллигига

Қўнғирот бўлбули

Кунхўжа, Бердақ каби қорақалпоқнинг бийрон тилли шоирлари билан бир қаторда турувчи, қорақалпоқ адабиётининг тамал тошини қўйган шоирлардан бири Ажиниёз Қўсибой ўғли саналади. Шоир ўтган асрнинг 1824 санасида Оролбўйида, Мўйноқда дунёга келади. Шоирнинг падари бузруквори Қусибой эл орасида обрў-эътиборли киши бўлган. Ажиниёзнинг онаси — Назира она ҳам сўзга чечан, тўй-ҳашамларда ўланлар айтгувчи эди. Маърифатли оилада дунёга келиб ёшлигиданоқ ўлан ва шеърлар тинглаб, уларни зийраклик билан тафаккурига сингдириб олган Ажиниёз илк сабоқни Хожимурод Эшон мадрасасида чиқарди. Аммо онасининг бевақт вафоти муносабати билан унинг тоғаси Элмурод шуғуллана бошлайди. У Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқиган тоғасининг қўлида таҳсилни давом эттириб, шарқ мумтоз адабиётининг йирик намояндалари Алишер Навоий, Машраб, Бедил, Хофизларнинг ижоди билан яқиндан танишади. Туркман адабиётининг асосчиси Маҳтумқулининг асарларини севиб ўқийди. Шарқ адабиётининг теран булоқларидан баҳраманд бўлган Ажиниёз ўз ижодини тахминан балоғат ёшларида бошлайди. Шоир ижодининг асосий хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, бунда аввало, ўша даврнинг муҳрини эътиборга олмоқ керак. Зеро шоир яшаган даврнинг ниҳоятда мураккаб бўлиб, Марказий Осиёдаги беадоқ ўзаро тож-тахт талашувлари давом этар, чор Россияси эса бу сахий заминга кўз олайтира бошлаган кезлар эди. Ҳеч шубҳасиз, бундан оддий халқ жабрланар, мамлакат инқирозга юз тутар эди. Шоир халқнинг беадоқ зулм чекаётганидан нола қилиб ўзининг «Армонли дунё» шеърида шундай дейди:

Киярга кийим йўқ, минаргаот йўқ,
Осмонга учарга мендақанот йўқ.
Чирмашиб ётарга бир паризод йўқ,
Юрак бағрим тилдинг армонли дунё.

Шоир турли талаш-тортишлардан жабр чекаётган халқнинг руҳиятини ифодалаш билан бирга, унинг орзу-армонларини, унинг ўтмишини ҳам фахр билан куйлайди. У ўзининг насл-насабидан ғурурланиб «Бордур» деган шеърида ушбу сатрларни битади:

Уруғим қўнғиротдир, миллатим қалпоқ,
Кенагас манғити,
хитойу қипчоқ
Туғишган эллардир қозоғу қалпоқ
Ўн тўртга бўлинган уруғим бордир
Бир эли Хоразм, бир эли Турон,
Урганч, Қўнғироту шаҳри Самарқанд
Карвонлари борур Бухору Аштархон

Не бир сулув-сулув кентларим бордир (таржима муаллифники).

Тахминан 20 ёшларида шоирнинг бошига яна бир кулфат тушади. Унинг унаштирилган қизини кимдир олиб қочиб кетади ва қизнинг қариндошлари Ажиниёздан унинг хунини даъво қилишади. Шундан сўнг шоирнинг дарбадарлик йиллари бошланади. У қизни ахтариб қозоқ даштларини кезади. Ажиниёзнинг ўша даврдаги ижодида она- Ватан соғинчи асосий ўринни тутади.

Қашшоқлик дунёда хар недан ёмон,
Кетар бўлдим менга рухсат бер эмди.
Айланиб келгунча бўлғайсиз омон,
Меҳрибон, мушфиқим, каъбам хўш эмди

дейди шоир дарбадарликка маҳкум этилган тақдирдан шикоят қилиб. Шоир ҳаётнинг азоб-уқубатларини бошдан кечириб, ўз шеърида буни очиқ-ойдин эътироф этади. Ўз даврининг адолатсиз тенгсизлигидан қайғуради. Бу нарса унинг «Даврон бўлмади» номли ушбу шеърида намоён бўлади:

Алиф қаддим долдеб бўлиб букилди
Кўзларимдан қонли ёшим тўкилди,
Йўл бўйи йиққан ҳосил юкимни
Бозорга элтарга карвон бўлмади.
Булбулни зор этиб шайдо гулларга
Мажнундек ҳайдабон чўлдан чўлларга
Насибам сочиб ғайри элларга
Менда бир қайғу замон бўлмади.

У бир неча йиллик дарбадарликда кезиб то Оренбургга бораги. Аммо унаштирилган қизнинг дарагини тополмайди. Шундан кейин яна ўз юртига келиб, Ҳамро исмли қизга уйланади. Ажиниёз ундан Неъматулла, Ҳабибулло, Ниятулло деган ўғиллар ва Ҳурзода исмли қиз кўради.

Ўтган асрнинг 1858—59 йилларда бўлиб ўтган «қўнғирот исёни»га бағишланган «Бўзатов» достони Ажиниёз ижодида муҳим ўрин тутиб бу ўша даврдаги хонликларнинг зулми ҳаддан ошганини кўрсатади. Қўнғирот исёнида қатнашган шоир асирга олиниб, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятига сургун қилинади. Ва у ерда қул сифатида меҳнат қилишга мажбур этилади. «Бўзатов» достони унчалик катта эмас, у бор йўғи 80 сатрдан иборат. Лекин шунга қарамасдан унда кўтарилган фикрлар «Бўзатов»ни достон даражасига олиб чиққан:

Кетар бўлдик, энди бизлар бош олиб,
Хўш омон бўл, биздан қолдинг Бўзатов
Хўшлашайлик қора кўзга ёш олиб,
Хўш омон бўл биздан қолдинг Бўзатов.

Шоир Бўзатовнинг душман аскарлари томонидан хонавайрон этилиб, элнинг қирғин қилинишини тасвирлар экан, бу заминнинг илгари нақадар обод ва фаровон бўлганини, лекин исёндан сўнг халқнинг ўз еридан қувғин қилиниб, бу ўлканинг инқирозга юз тутиши шоирни қаттиқ изтиробга солади. Ажиниёз Бўзатов фожиасини ниҳоятда оғир қабул қилди. Бегуноҳ ўғил-қизлар қулларга айлантирилди. Кечагина гуллаб-яшнаган водий бир зумда қулхонага айланди:

Шаҳар бузиб, душман бағрим доғлади
Бировни дўппослаб, бирни боғлади
Минглаб мусулмоннинг ўғли йиғлади
Бошингга қиёмат тушди Бўзатов

дейди бу ваҳшийликларни ўз кўзи билан кўрган шоир.

Ажиниёз уч йил асирликда юриб, кейинроқ қочиб кетади ва қозоқ даштларига бориб жон сақлайди. Шу йилларда у қозоқ ўланчиси Менгеш билан айтишади. Шу аснода унинг «Қиз Менгеш билан айтишув»и дунёга келади. Мазкур асар 1878 йилда «Туркистон вилояти» газетасида эълон қилинади.

Истиқлолга эришилгандан кейин маънавий қадриятларимизга ва меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўтмиш шоирларимиз ва қаҳрамонларимизнинг ҳаётлари батафсил ўрганила бошланди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ажиниёзнинг 175 йиллиги нишонланаётган бугунги кунларда азоб-уқубатда яшаган шоирнинг орзу-армонлари ушалаётганини кўриб турибмиз. Шоирнинг ижодини ўрганиш ва бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаш заруратти туғилди. Шоирнинг сайланма асари, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм, Мўйноқ туманида «Ажиниёз боғи»нинг барпо этилиши аллома ижодига юксак эҳтиром белгиси ҳисобланади.

Ережепбой МАДЕНОВ

Қорақалпоқ халқининг буюк шоирлари (чапдан) Ажиниёз, Бердақ ва Кунхўжа.
Мусаввир Маҳмуд ЖЎРА ўғли

Пискент туманидаги Ҳакимполвон Қодиров номли жамоа хўжалиги аъзолари йилни яхши якунламоқдалар. Улар қишлоқ хўжалигининг барча соҳасида йиллик режаларни ошиғи билан уддалаб қўйишди. Айни пайтда муҳим тадбир — ерларни шудгорлаш ишлари ниҳоясига етиш арафасида.

Суратда: сўнгги гектарларни шудгорлаш пайтди.
Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Ҳамкорлик самараси

Дунёдаги деярли барча мамлакатларда фаолият кўрсатаётган Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари мустақил ва бетараф ташкилотлар сифатида қуролли тўқнашувлар ва табиий офатлардан зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш ва халқаро инсон ҳуқуқини кенг тарғиб қилиш билан фаол шуғулланиб келмоқдалар. Айни пайтда улар аҳолини дуч келиши мумкин бўлган шундай бало-қазоларга олдиндан тайёрлашга ҳам катта аҳамият бермоқдалар.

Шу жиҳатдан олганда Халқаро Қизил Ҳоч Қўмитаси ва Ўзбекистон Қизил Ярим Ой миллий жамияти ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг мамлакатимиз ёшларини инсонпарварлик ва ҳамдардлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ҳамкорлиги диққатга сазовордир. Кейинги уч йил ичида республика умумтаълим мактабларида тажриба тариқасида биргаликда олиб борилган ишлар ва изланишлар натижасида ҳозирги вақтда ўқитилаётган «Инсон ва жамият» курсига қўшимча ўқув қўлланмаси тайёрланди. Яқинда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти миллий кенгашида бўлиб матбуот конференциясида мазкур қўлланманинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Кенг жамоатчилик, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мактабларининг ўқитувчи ҳамда ўқувчиларининг вакиллари журналистлар иштирок этган анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон ҚЯОЖ миллий кенгаши раиси Ў. Воҳидова, ХҚҲҚ минтақавий ваколотхонасининг бошлиғи Ги Молле, ХҚҲҚнинг Марказий Осиёдаги таълим дастури бўйича вакили А. Ройтер, Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ва бошқалар халқаро ҳамкорликда тайёрланган ушбу ўқув қўлланмасидан кўзланаётган мақсаднинг олийжаноблигини алоҳида таъкидлаб, уни яратишда асосан маҳаллий муаллифлар жалб этилганлигини қайд этиб ўтдилар.

Яна шу нарса ҳам диққатга лойиқки, ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида кўп минг нусхада чиқарилган ўқув қўлланмасини ёзишда асосан маҳаллий материаллар ҳамда миллий этно-педагогик услублардан фойдаланилган. Унда қўлланилган методология баҳс-мунозаралар ўтказилишига мўлжалланган бўлиб, у, ўқувчиларни мустақил фикр қилишга, оғир шароитларда ўзини тута билиш, бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга тайёр туришга ўргатади. Саккиз соатлик дарслар давомида ўқувчилар, шунингдек, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи билан ҳам танишадилар.

Мазкур қўлланма асосидаги машғулотларни талаб даражасида ўтказиш учун ўқитувчиларни тайёрлаш ҳам эсдан чиқарилмади. Халқ таълими вазирлиги ХҚҲҚнинг минтақавий ваколотхонаси билан биргаликда педагоглар учун махсус семинар ва тренинглар ташкил этмоқда. Ҳозирнинг ўзида 15 минг ўқитувчи уларда таҳсил олди. Шунингдек, ўқитувчиларга услубий кўрсатмалар тайёрланди.

Қилинган ишлар биринчи қадамлар, албатта. Шу боис бу соҳадаги ҳамкорликни давом эттириш кўзда тутилмоқда.

С. ШЕРАЛИЕВ

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

Совимаган қон ҳиди

Ним қоронғу хона... Она ва боланинг жасадлари ҳаракатсиз ётарди. Ҳали еттига ҳам кириб улгурмаган болакайнинг кўзлари очиқ, оғзидан қон сизиб чиқарди. Бояқиш болакай ўзининг тўшакчасида ғужанак бўлиб ётганича, жон таслим қилганга ўхшайди. Фақат бир қўлчаси онаси томон чўзилганича қотиб қолган...

Она боласидан олдин оламдан ўтган шекилли, азобланган жасадидаги яралардан қон оқмаслиги, лекин унинг кўзларидаги ёш томчилари ялтираб турарди.

Қотил нега бирданига она-боланинг ҳаётига чанг солди? Онасидан бир гап ўтдимикан? Мурғак гўдакнинг айби шу қадар оғирмиди?

... Мактабни битирган Оксана ишга кирди. Оксана Рустамни жуда қаттиқ севарди, унинг учун жонини ҳам беришга тайёрлигидан, Рустам севинарди. Кунлар тез ўтар, икки ёш ўртасидаги севги, муҳаббат охири уларнинг ихчамгина тўйи билан якун топди. Уларнинг севинчи кўкка сиғмасди.

Ҳаётнинг ширин дамларидан аччиқ дамлари кўпроқ дейишганидек, турмуш ва рўзғор юмушлари, югур-югурлари бошланиб кетди. Хаёлий орзулар билан суғорилган кунлардан нишон ҳам қолмаганидан Оксана саросимага туша бошлади. Зерикиш, бир хилда такрорланувчи кунлар шу қадар меъдасига тегардики, ёрилиб кетишдан ўзи ҳам қўрқарди. Рустамнинг кун бўйи уйда бўлмаслиги, унга кам эътибор бераётганлигидан Оксана хафа бўлар, йиғлаб-сиқтарди. Эридан совиб бораётганлигидан ўзи ҳам шубҳаланар, лекин Оксана кўнглини янги туғилган ўғилчаси бироз овутарди, холос...

Рустам эса хотинида пайдо бўлган ўзгаришларни қалбдан сезар, фақат нима бўлаётганлигига ақли етмасди, қилган барча уринишлари зое кетгач, у ҳам ичкиликка ружу қўйди. Муттасил ичкилик, ғам чекиш ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Жигари қаттиқ хасталанган Рустам кўп ўтмай хазон бўлди...

Оксанага бу йўқотиш негадир ўз таъсирини ўтказмади. У тезда ўзини ўнглаб олди, фақат бу янги танишлар ҳисобига эди, албатта. Оксана «яқин» дугоналари билан кечки клуб ва дискотекаларда яйраб дам олишни одат қилди. Бундай чиройли қизларнинг хизматига камарбаста «хамёнли йигитлар» уларни роса сийлашарди. Ишратга, кўнгилхушликка берилиб кетаётган Оксана аста-секин одамийлик қиёфасини йўқота бошлади. Енгил ҳаётнинг этагидан тутган жувоннинг кўзларига миттигина ўғлининг мунгли қарашлари ҳам кўринмасди. Ўз дугонасининг укаси Марат билан танишганида эса юраги қайтадан «жиз» этгандай туюлди. Бунинг устига ўғли ҳам Маратга ўрганиб қолганди. Марат асли ургутлик бўлиб, айни пайтда Россияда яшарди. Москва бар-ларидан бирида бармен бўлиб ишлаб, пул йиғишда унга тенг келадиганини топиш қийин эди. Фақат... Марат ва Оксананинг танишлиги, дон олишини ва «ўйин» охир-оқибат, улардан бирининг ўлими билан тугаши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

... Одатдаги кунларнинг бирида марҳум Рустамнинг укаси негадир, жиянини кўргиси келди ва янгаси Оксананинг уйи томон йўл олди. Йўлда худди мудҳиш воқеа бўлганидай сесканиб-сесканиб қадам ташлади. Эшикнинг қия очиқлигидан шубҳаланса-да, жимгина кирди. Кирди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Уйда икки мурда: ҳали қони совимаган жажжи Исломжон ва Оксана қонли ҳалқоб ичида мангу «ухлашарди».

Самарқанд шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида бу мудҳиш қотиллик очилди. Қотилликнинг бошланиши қуйидагича бўлган: эски таниш Марат Оксананинг олдига ҳар галгидек келади. Бироз ўтириб, кайфи ошиб қолгач «мақсадга» кўчиш ниятида очиқчасига ҳаракат қила бошлайди. Оксанадан ҳеч қачон рад жавобини олмаган Марат қони қайнаб қутуриб кетади. Жаҳл устида ёнидаги пичоқ билан Оксананинг дуч келган жойига бир неча бор санчади. Ҳеч нарсани тушунмай, қалтириб турган Исломдан қандай қутулишни билмаган қотил унинг жонини ҳам пичоқнинг тиғига жойлаб қўя қолади...

Қиссадан-ҳисса шуки, Оксана ва унинг ҳаёт тарзи ҳақида бирон бир фикр чиқариш эмас, балки ҳали ёшликнинг ҳавойи хирсларидан узоқлашиб улгурмаган инсонлар ўртасида содир бўлаётган ваҳшийликларга бир бор назар ташладик. Енгил ҳаётга ўрганган ёш аёл, ўзининг шаҳвоний хирсларини жиловлай олмаган «мард» йигит ва... бегуноҳ бола...

Меҳри АБДУРАҲИМОВА
Самарқанд вилоят ИИБ матбуот гуруҳининг инспектори.
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Луқма

Чорак асрлик қурилиш

Халқимиз маънавиятини янада тараққий эттиришда кўпгина ижтимоий соҳа муассасалари сингари музейлар ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Жумладан, И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейини дунёдаги энг етакчи газеталардан бўлган «Нью-Йорк Таймс», «Интернэшнл Хералд Трибьюн», «Крисчен Сайенс Монитор», «Франкфуртер Альгемайне Цайтунг», «Либеррасьон», «Свенска Дагсбладет», «Дагенс Нюхетер», шунингдек, Эй-Би-Си, Би-Би-Си, Радио Франс ва ҳоказолар эътироф этган эдилар. Ўтган йили Президентлар Ислом Каримов ва Жак Ширак ташаббуси билан Франциянинг Кана шаҳрида ўтказилган Нукус музейи кўргазмаси ҳам маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган эди.

Аммо ана шундай довруғи дунёга кетган мазкур музей бугунги кунда ўз бисотидаги қиммат-баҳо асарларни намойиш қилишда анча қийинчиликларга учрамоқда. Чунки у собиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва шаҳар Кенгаши биносининг тор хоналарида жойлашган. Янги музей биносининг қурилиши эса 20 йилдан буён давом этмоқда. Қурилиш ишларини жадаллаштириш ҳақида неча бор мутасадди ташкилотларга илтимослар жўнатилди, аммо натижа чиқмади.

Мазкур иншоотнинг 2000 йил — янги аср бўсағасида фойдаланишга топшириладиган қурилишлар рўйхатига киритилиши ҳақида тегишли ташкилотлар бош қотирсалар, ёмон бўлмасди.

Мансур АҲМЕДОВ,
Нукус шаҳри.

ДУШАНБА 20

TV

6.30 «Ассалом Ўзбекистон»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
***
8.40 «Куйла, танбур дуторим». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Энг ширин қовун». Мультфильм.
10.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.35 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.05 «Футбол майдонларида».
12.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.05 «Баркамол авлод орзуси».
13.30 «Саҳна хаёти».
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
15.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
16.00 «Қишлоқ хаёти».
16.25 «Малина виноси». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Қизиқарли учрашувлар».
18.30 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чимён тароналари». Мусиқий дастур. 1-қисм.
21.30 «Бунёдкорлик». 6. Болаларга салом берайлик.
21.50 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал премьераси. 1-қисм
22.40 «Ифтиҳор»
23.10 «Маънавият» дастури.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Жаноб «Р». Бадиий фильм.
1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Спорт майдончаси, Мульттомоша)
18.40 «ТВ-саёҳат».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Олтин мерос».
19.35 «Биринчи мағзиза».
19.50 «Ёшлик баёзи».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.25 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Адолат манзили». 1-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.05 «Бунёдкорлик». «Истиқлол, ёшлар ва истиқбол». Видеофильм. 3-қисм.
21.25 «Остонадаги орзулар».
21.40 «Дастхат». Азим Муллахонов.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
1.Миллионлар уйини. 2. Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
1.05 «Тонг юлдузи».

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 1. «Ўзбек модели мўъжизаси».
19.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 7-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар куйлаганда».
21.20 Телефильм.
21.45 «Дорихона эштади».
22.15 «Бурч ва маъсулият».
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 7-серия.
23.10 «Телефакт».
23.20 «Спорт-тайм».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 3-фильм. 1 ва 2-сериялар.
2.20 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
2.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

РЖТ 7.30-9.00
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.40 «Тотли оғу». Телесериал
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «Дил изҳори»
19.05 «Ўғрини ушла». Телесериал.
19.30 «Оламда нима гап?» Ахборот курсатуви.
19.40 «Кутиш зали». Кўп серияли бадиий фильм. 8-серия
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.40 «Махфий хужжатлар». Сериал.
23.25 «Дил изҳори».
23.30 «Вести».
24.00 «Соккер клуб».
00.15 «Ахборот».
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал (Бразилия).
17.45 «Хит-коктейль».
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал (Мексика).
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «30-канал»да премьера. «Тутинган она». Криминал сериал (Италия — АҚШ).
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА 21

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
***
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Ўзбекистон бастакорлари». Мусиқий дастур.
9.20 «Оламга саёҳат».
9.40 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Кино янгиликлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Малласоч малика». Бадиий фильм.
12.05 «Шу Ватанга бордур менинг кераги».
12.25 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
12.50 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал. 1-қисм.
13.40 «Бунёдкорлик». 6. Болаларга салом берайлик.
14.10 «Маънавият» дастури.
14.55 «Иқтисод ва биз».
15.20 «Турфа томошалар».
15.45 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
16.00 «Қароқчи чоллар». Бадиий фильм.
17.25 «Вақтинг кетди».
17.40 «Фантадром». Мультфильм. 1-2 сериялар.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Хунарманд». Тележурнал.
18.50 «Олам ва одам».
19.05 «Фермер».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Эзгулик йўлида».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Чимён тароналари». Мусиқий дастур. 2-қисм.
21.50 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Хоразм вилояти.
22.25 «Қонун ва биз».
22.55 «Сиз уларни танийсиз».
23.25 «Ахборот».
23.55 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Сув ости экспедицияси». Телесериал. 1-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ватан манзаралари».
19.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
20.00 «Парламент».
20.15 «Мутолаа».
20.30 21.10, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Адолат манзили». 2-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.15 «Марду-майдон».
21.35 «Ёшлар овози».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Агарда солиқчи келса».
23.50 «Мусиқий лаҳзалар».
24.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
1.00 «Янги тонг».

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 2. «Ўзбекистон муҳри билан».
19.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 8-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт оламида».
21.20 Кичик концерт.
21.45 «Тошкент шаҳри меҳмонлари». Бриллианд Дадашева, Консуэлла Авиланд.
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 8-серия.
23.10 «Ёшлар ҳудуди».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 «Туризм ҳақида». Хафталик шарҳ.
00.20 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 4-фильм. 1, 2-сериялар.
2.45 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
3.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «Филипп Киркоровнинг танланган қўшиқлари».
19.40 «Кутиш зали». Кўп серияли бадиий фильм. 9-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22:30 «Вести».
23.00 «Спорт клуб».
23.15 Кинематограф: «Унутилган хоним». Бадиий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 01.40 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс. «Муҳаббат қонуни». Тарихий мелодрама (Югославия — Германия).
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал (Бразилия).
14.00 Кундузги киносеанс. «Оқшомдан тушгача». Оилавий драма. 1-серия.
15.30 «Юзма-юз».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.45 «Хит-коктейль».
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом. «Кунботарда». Психологик драма (АҚШ).
23.15 «Тутинган она». Криминал сериал.
24.00 Мусиқий дастур.

ЧОРШАНБА 22

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
***
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Насафдан эсган саболар». Мусиқий дастур.
9.15 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиши. «Гўзаллик оламида».
9.40 «Бола бошидан».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 Кундузги сеанс. «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
11.40 «Заковат сарчашмаси».
12.05 Болалар учун. «Сехрли оҳанглар».
12.30 «Ўзбектелефильм» намойиши. «Ёмғирли оқшом».
13.00 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.35 Каратэ бўйича Осиё чемпионати. Сингапур.
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Х.Аҳмедова.
14.40 «Кодекс».
15.00 «Ҳа, ҳа, ҳа_» Ҳазил. Ҳажв. Ҳангома.
15.25 «Бокира туйғулар».
15.40 «Жаҳон спорти».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қохиранинг қирмизи атиргули». Бадиий фильм.
17.30 «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Мусиқий дастур.
18.10 Болалар учун. «Хикматлар хазинаси».
18.30 «Шу кунлар шиддати».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури-амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот»
21.05 «Рақслар гулдастаси».
21.30 «Бунёдкорлик». 7. Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилмоғи керак.
21.50 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал премьераси. 2-қисм.

Тунги ҳамрох.
22.40 «Орзули олам бу».
23.00 «Умид» сафарда.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Садоқат». Бадиий фильм. 1-серия.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади:(«Қувноқ учрашув»)
18.25 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгил очар дастур.
18.40 «Рақслар қанотида».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Олис сафарлар иштиёқида». Япония.
19.45 «Далил ва шарҳ».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Лаззат».
20.55, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Ракурс».
21.00 «Бунёдкорлик». «Истиқлол, ёшлар ва истиқбол». Видеофильм. 4-қисм.
21.20 Танишинг: Абдулла Убайдуллаев.
21.35 «Эркин фикр».
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
00.50 «Хит-коллекция».
1.10 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 3. «Жаҳон бозорига йўл».
19.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал . 9-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 «Ривоят».
22.00 «Мумтоз қўшиқлар».
22.10 «Маржон».
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 9-серия.
23.10 «Хайрли оқшом».
23.40 «Олтин давр».
00.00 «Кўзгу». Тележурнал.
00.20 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 Кинонигоҳ. «Кутулмаган меҳмон».
1.45 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
2.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

РЖТ 7.30-9.00
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00-16.10 Туркия телевидениеси
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «Филипп Киркоровнинг танланган қўшиқлари».
19.40 «Кутиш зали». Кўп серияли бадиий фильм. 10-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
***
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 Кинематограф: «Эмма». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс. «Режалаштирилган қотиллик». Детектив (АҚШ).
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс. «Оқшомдан тушгача». Оилавий драма. 2-серия.
15.30 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.45 «М» намойиш этади». Мусиқий дастур.
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом. «Мафиядан ишонч ёрлиғи». Криминал (АҚШ).
23.15 «Тутинган она». Криминал сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

ПАЙШАНБА 23

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа ва замон».
9.15 «Дунё шаҳарлари».
9.25 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.40 «Инсон-ҳаёт гултожи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.25 Кундузги сеанс. «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.
12.05 «Соғлом авлод учун».
12.30 «1999 йил - Аёллар йили. «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.



12.50 Австралиянинг ёввойи табиати. Телесериал. 2-қисм.
13.40 «Бунёдкорлик. 7. Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилмоғи керак.
14.10 А.Хурсандов «Кампир топайми, дадажон». Ю.Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят театрининг спектакли.
16.00 «Камолот сари».
16.20 Лирик тароналар.
17.00 «Телекутубхона».
17.10 «Ўзбектелефильм» намойиши. «Буюк ўзгаришлар жараёнида».
17.40 «Теран томирлар».
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Куйла ёшлигим».
19.00 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саньатим саодатим». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».

«Умид» намойиш этади.
22.05 «Оила». Тележурнал.
22.35 «Қалб сайёраси».
22.55 «Сомон йўли».
23.25 «Ахборот».
23.55 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.35 «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.
2.05-2.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Сув ости экспедицияси». Телесериал. 2-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мезон».
19.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
20.00 «Бегойим».
20.25, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Адолат манзили». 3-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.10 «Иймон».
21.35 Абдурашид Саидов куйлайди.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Интерфутбол. 2.»Спортқитъаси».
1.20 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Эътиқод».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 4. «Озод ва обод юрт».
19.55 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 10-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.25 «Соғинч».
21.45 «Ривоят».
22.00 «ТВ ва Театр».
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 10-серия.
23.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
23.35 «Саҳоват».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.00 Кинонигоҳ. «Йўлбошчи».
1.25 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

РЖТ 7.30-9.00
***
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
19.15 «СНН-шоу».
19.30 «Оламда нима гап?»
19.40 «Ов мавсуми». Жангари фильм.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
***
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Кино сайёраси».
22.30 «Вести».
23.00 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф: «Давондаги момоқалдироқ». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чехралар». Мусиқий-дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс. «Ребекка калити». Детектив. 1-серия (Англия).
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс. «Ёш аёл учун эркак». Драма.
15.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.45 «Музик роунд». Мусиқий-дам олиш дастури.
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.30 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом. «Ньюйорк қироли». Криминал жангари фильм (Италия — АҚШ).
23.15 «Тутинган она». Криминал сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЖУМА 24

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
***
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Соз сехри». Мусиқий дастур.
9.15 «Хамкорлик ришталари».
9.35 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Кундузги сеанс. «Аҳмад қаерда?» Бадиий фильм.
12.05 «Беш бармоқ». Тележурнал.
12.25 «Юрт ҳақида қўшиқ». Публицистик кўрсатув.
12.45 «Дунё шаҳарлари».
12.55 Ёш ижрочилар концерти.
13.30 «Сомон йўли».
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
15.15 «Жавоҳирлар хазинаси».
15.40 «Машриқ оҳанглари».
16.00 «Фантадром». Мультфильм. 3-серия.
16.10 «Кўринмас одам». Бадиий фильм.
17.35 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид юлдузи».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Аёл дунёни тебратар».
19.05 «Ишончли хамкор». Банкларо телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Рақибингиз-гроссмейстер».
20.10 «Оқшом эртаклари»
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». Мусиқий дастур.
21.30 «Бунёдкорлик». 8. Миллат кўзгуси.
21.55 «Ўзингни ўз уйингни ўзинг асра».
22.15 «Ижод қувончлари». М.Маҳкамов.
22.45 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.25 «Ахборот».
23.55 «Севгим меним, андухим меним». Бадиий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Дунё ва болалар», Мульттомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Олтин мерос».
19.35 «Табаррук қадамжолар». Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи.
19.55 «Ёшлар» телеканалида.
20.00 «Афсона қилма». Мусиқий дастур.
20.20, 21.00, 23.45 Эълонлар.
20.25 «Адолат манзили». 4-қисм («Ўзбектелефильм»)
21.05 «Азизим».
21.45 «Автосалтанат».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
23.30 «Жаҳон эстрадаси».
23.50 Синема: «Клеопатра». 1-қисм.
1.20 «Мунаввар тонг истаб».

ТТV

8.50 Кўрсатувлар дастури.
8.55 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. «Ўрмонлар оша, тоғлар оша».
10.50 «Спорт оламида».
11.05 «Темурий маликалар». Миллий рақс томошаси.
11.50 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 3-фильм. 1, 2-сериялар.
14.15 «Меҳржон-99». Хайрия тадбири. 3-кўрсатув.
15.15 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
15.30-16.30 «Меҳржон-99». Хайрия тадбири. 4-кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Бунёдкорлик». 5. «Ватан оиладан бошланади».
19.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 11-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яна бир учрашув».
21.20 Мусиқий танаффус.
21.45 «Маслаҳат даволаш саломатлик». Жонли эфир.
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 11-серия.
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. «Ошиқ эркак».
00.55 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

РЖТ 7.30-9.00
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Дил изҳори».
18.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
19.00 «Уорлднет» янгиликлари.
19.10 «Дурдаршан».
19.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
19.35 «Дил изҳори».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
***
21.45 «Дил изҳори».
21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Подиум».
22.30 «Вести».
23.00 Кинематограф: «Сирли уй». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 01.40 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс. «Ребекка калити». Детектив. 2-серия.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс. «Дам олувчилар ҳаётидан». Мелодрама.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.45 «Муқаддасса, аёл». Аёллар учун кўрсатув.
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал.
19.10 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.35 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом. «Тутинган она», 2-серия, Гангстер жангари фильми (АҚШ).
23.15 «Тутинган она». Криминал сериал.
24.00 «Бедорлик». «Ҳужум». Фантастик жангари фильм. 1-серия (АҚШ).

ШАНБА 25

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
***
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеалманах.
9.10 «Хидоят сари».
9.35 «Хаёт чашмалари».

«Умид» намойиш этади.
9.55 «Саодат қасри».
10.20 «Ўзбек спортининг нуфузи».
10.35 Кундузги сеанс. «Робин Гуд». Бадиий фильм. 1-серия.
11.40 «Ёзувчи ва замон».
12.00 «Акс-садо».
12.35 «Дўстлик» видеоканали. 1. Мехрангиз. 2.Жетиген
12.55 «Кўзгу». Тележурнал.
13.25 «Ёр ва диёр тароналари».
13.40 «Бунёдкорлик». 8. Миллат кўзгуси.
14.00 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 2-серия.
15.10 «Қалб гавҳари».
15.30 Эстрада концерти.
16.00 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
16.40 «Илм олами: XXI аср бўсағасида».
17.00 «Стандарт ва сифат».
17.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хушёрлик мезони».
17.40 «Маҳорат».
18.00 Болалар учун. «Қувноқ дақиқалар».
18.20 «Сехрли шуъла».
18.40 «Рамазон ойи - покланиш ойи».
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Иқтисод ва биз».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ хаёти».
21.30 «Ойдиндир қўшиқнинг йўли». М.Йўлчиева.
22.20 «Халқнинг кўнгли». Спорт дастури.
22.40 «Футбол майдонларида».
23.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.50 «Ахборот».

Тунги ёғду дам олиш дастури.
00.20 «Куй ва тасвир».
00.40 «Регтайм». Бадиий фильм. 1-серия.
1.55-2.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Қувноқ учрашув»)
9.35 «Сув ости экспедицияси». Телесериал. 1-қисм.
10.25 «Ёшлар» телеканалида.
10.30 «Мусиқий лаҳзалар».
10.35 «Ракурс».
10.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.15 «Мафтункор чехралар».
11.40 «Авто-2000».
12.00 «Мусиқий лаҳзалар».
12.05 «Бунёдкорлик». «Истиқлол, ёшлар ва истиқбол». Видеофильм. 3-қисм.
12.25 «Рақслар қанотида».
12.45 «Рамаяна». Телесериал.
13.20 «Қадрият». Алоуддин Мансур билан суҳбат.
13.40 «Мусиқий лаҳзалар».
13.45 «Ўзбекистон қанотлари».
14.00 «Сир».
14.20 «Шу куннинг мавзуси».
14.40 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.00 Синема: «Французча бўса».
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («У ким, бу нима», Мульттомоша)
18.40 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Матбуот».
20.10 «Дилбарим».
20.30, 21.10, 23.10 Эълонлар.
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.15 «Кутилмаган меҳмон».
21.35 «Садо-99» саҳифаларидан. Мусиқий дастур .
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Дирижабль». Дам олиш кўрсатуви.
22.50 «Кинотақдим».
23.15 Синема: «Клеопатра». 2-қисм.
00.45 «Хайрли тун!»

ТТV

8.50 «Соғлом бўлай десангиз».
9.00 «Тонгги пойтахт».
9.40 Болажонлар экрани. «Азиз».
10.45 «Олам».
11.05 «Бева Бланка». Телесериал.
11.50 «Табиат ва инсон». Гаройиб видеотасвирлар. Ҳужжатли фильм. 1-қисм.
12.10 «Янги ой чиққан кеча».
12.30 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 4-фильм. 1, 2-сериялар.
14.55 «Халқ саломатлиги йўлида».
15.20 «Ёввойи табиат».
16.10-16.55 «Дўстлик» видеоканали. «Немис шарҳи», «Сахий хонадонда».
*\

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига

Огаҳий ғазалига муҳаммас

Гарчи очун исми-ю жисми била хуш номидур,
Энгаҳинг боғларга тор-у, илкинг урсанг томидур.
Ҳарки ташларсан қадам, манзил-ажалнинг домидур,
Даҳр бир майхонадурким, қулфат онинг жомидур,
Кўз ёши бирла қўнгул қони майи гулфомидур.

На одам топди камолин, на фикрлар улғайиш,
Бунда тахт ғавғо солур, ҳам қўлма-қўл баҳри Сувайш!
Не саодат топди бунда ул улуғ халқи Қурайш?
Ҳар кишиким онда кирди ичмак истаб жоми айш,
Неча турлук ғусса заҳридин қадаҳ ошомидур.

Беадад, минглар келиб кетди сўкиб ёқосини,
Ким худоман дебди ўзни, ким расул даъвосини,
Аҳли илм мантиқ ила ечмоқ бўлиб маъносини,
Кимса не навъ ичгай онда амнийат саҳбосини,
Кўнглида доим ҳаводис шаҳнаси авҳомидур.

Даҳри хун ҳам етмади тутган қадаҳлар не адад?
Ёки бу ҳил илми ғайб ижодидур холиқ Аҳад.
Тутди илкин муждаси бирла бани одам мадад,
Кимки роҳат нўшидин бир қатра ичти, то абад,
Жонида юз дарду меҳнат нишининг оломидур.

Қай муҳандиси фалак тузмиш мукаммал чизги-тарх,
Бандаси топмабди маъни, этмади бир фикри ярқ,
Мен била бир сир пайида неча жонлар бўлди ғарқ,
Фурсати айшиға мағрур ўлмаким, андоққи барқ,
Турфатул айни онинг оғози-ю анжомидур.

Ҳарки нодон ҳарбу-зарбдан шодумонлиғ айласа,
Роббисин-да менсимай уддабуронлиқ айласа,
Бирларин бош узра тахти — гўзаронлик айласа,
Умрлар гар ҳар ким онда комронлиғ айласа,
Оқибат мақсуд васли комининг нокомидур,

Ким ўзи жон сақлаған бу кулфати жом нахридин,
Сен эмас эрдингму оғоҳ, нўши майнинг заҳридин,
Эмди жон авроғида тутсанг умид нек баҳридин,
Бўлмагил эмин замони ҳодисоти даҳридин,
Гар жаҳон Искандарий гар худ фалак Баҳромидур,

Хўш, недин бу дилкушолар ичра дил абр айламак,
Маънисин уққан эсанг ич, аксидур қабр айламак,
Онглагил, аврофдадурмиз, ўнгу-сўл жабр айламак,
Чораси йўқтур ҳаводиснинг, магар сабр айламак,
Ким бу иш ул дард доруйи фараҳ фаржомидур.

Сабр эрур, Оллоҳ ризоси Одамидин, Нуҳиндин,
Тан вале айру топилмас Муслим ичра руҳидин,
Даҳри-дунда айш йўқ, топтик магар андуҳ ҳидин,
Огаҳий, тутқил фано кунжинким даҳр андуҳидин,
Фориғ ул озодаким, ул гўшада оромидур.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ

Аждодлар хотираси улуғ

Моҳир таржимон, давлат ва жамоат арбоби, шоир ва олим Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллик юбилейи юртимизда кенг нишонланмоқда. Яқинда Муқимий номли мусиқали драма театрида алломанинг ана шу санасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгаши котиби Аслиддин Болиев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов ва бошқа иштирокчилар Огаҳий ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзладилар. Санъаткорларнинг Огаҳий ғазали билан куйлаган қўшиқлари йиғинга файз киритди.

Нилуфар ҲАМИДОВА

Муҳим қўлланма

Янги алифбони ўрганайлик

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг дунё миқёсига чиқишини, хорижий давлатлар билан бевосита дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашини, жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштириш мақсадида республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосининг жорий этилиши жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий аҳамиятга эга.

Эндиликда янги алифбони ва имлони кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ўқиш-ўрганиш ва ўқитиш ишларига доир дастурлар, ўқув қўлланмалари ва турли хил методик тавсиялар, кўргазмали қуроллар яратиш долзарб мавзуларимиздандир. Айниқса, бу соҳада тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан самарали фаолият кўрсатиб келаётган меҳнаткаш олим ва моҳир педагог, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг доценти, филология фанлари номзоди Суннатулла Ризаев ўқув мажмуа яратди. Муаллифнинг дастури, ўқув қўлланмалари, режалаштириш, методик тавсиялари ва график қўлланмалари нафақат таълим тизимининг барча бўғинларида, балки корхона ва муассасаларда, ташкилотларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Профессор Шарифа Қориева билан ҳамкорликда яратилган дастури ва «Изучаем латинскую графику узбекского языка» номли китоби (1998 й.) таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар учун муҳим ва ягона қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Яқинда Суннатулла Ризаевнинг шоир Барот Яраш билан ҳамкорликда «Лотин алифбоси ва имлосини ўрганувчилар учун ўқув қўлланма» номли китоби чоп этилди.

Қўлланмада ўзбек миллий адабиётимиз, маърифий-маънавиятимиз ва маданиятимизнинг забардаст адиблари, ёзувчилари ва шоирнинг таржимаи ҳоли, адабий-ижодий йўли ихчам адабий портрет тарзида ўз ифодасини топган. Айниқса, қўлланмада Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асаридан айрим лавҳалар (йигирма саккизта парча), «Ҳадис»лардан намуналар, соҳибқирон Амир Темур, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Боту кабилар ҳамда шу бугунги истеъдодли шоир ва ёзувчиларимиздан тортиб, одоб-ахлоққа доир матнлар келтирилган.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосидаги мазкур ўқув мажмуанинг барчасида миллий мафкурамизнинг туб негизини ташкил этадиган ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, бирдамлик, билимлик ва онглилик, тараққийпарварлик, ҳурфикрлилик сингари чин инсоний фазилатлар мужассамлашган.

Бахтиёр ҲАМИДОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
навбатчи
Соҳибжон САЛИМОВ.

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.512 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0985

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Туйғулар юртининг рангин зийнати



Чизги

Рассом Эркабой Машарипов. Унинг асарларидаги сеҳр, куч нимада?

Бу саволга қисқароқ қилиб шундай жавоб бериш мумкин: рассомнинг табиат, инсон, ўтмиш ва хотиралар билан ранглар орқали мулоқоти, уларга самимий муносабатидадир. Рассом муаммолар кўтаришга, мураккаб ечимлар излашга тушмайди, у хоҳ ўтмиш аждодларимиз бўлсин, хоҳ замондошлар, уларни тиниқ тонг ойдинликларида шаффоф оқшом жилваларида, табиатнинг ажиб эврилишларида тасвирга олади. Унинг асарлари сизга аждодлар қонидан ўтган ажиб бир тароватли нағмалар ва оҳангларни эсга солади, кўнглингизни гоҳ шодлик, гоҳ маҳзунлик кўчаларига етаклайди.

«Шунда бу рассомнинг имкони, идрок қуввати, томошабинга совғалари деган фикр кечади кўнглингизда.

Эркабой ҳаётдан, табиатдан, Оллоҳдан совғалар олган-бу яшаш неъмати, завқ олиш туйғуси, англаш ва дийдорлашув ҳислари. Бу совғаларни у ўз асарларига кўчиришни, шулар орқали томошабинларга етказишни истайди. Бу саъй-ҳаракатлари баъзан серҳаяжон, баъзан жиловсиз туйғулар талошида, баъзан изчил бўлиб, асарларида бамисоли эртакка айланади, юракни тўлқинлантириб юборади. Эркабой мана шу арзирли совғалар яратиш сир-саноатини билгунга қадар қанчалик ҳаёту ижод заҳматини чекканлиги ёлғиз Оллоҳу ўзига аён. Эркабой ижодида иккита йўналиш бор — бири чинакам ҳаётдан реал тасвирлар яратиш, иккинчиси эса хаёлий тасаввурларини ҳаётий таассуротларига қориштириб, янги бир чўғланган хотиралар тасвирини кўрсатиш.

Хусусан, Тошҳовуз қишлоқлари манзаралари, уларнинг ўзига хос феъл-атворли одамлари Эркабойга битмас-туганмас завқ манбаи. У мана шу ҳаётдан, одамлардан олган таассуротларини гоҳ олис ўтмишга кўчириб кўради, гоҳ бугунги кун эврилишларида янгича бир фалсафий нигоҳ билан қарагиси келади. Шунинг учун ҳам Эркабойнинг кўп асарларида олис ўтмиш ҳам, бугунги кун ҳам бақамти бўлиб кўринади.

Эркабойнинг асарларида сеҳр бор дедик. Унинг кўпчилик асарини ҳар гал томоша қилсангиз, ҳар гал янги-янги таассурот уйғотади. Гўё ҳар куни ҳар хил либос кийиб, кўнглингизга жозиба, шуур, ойдин бир туйғулар уйғотувчи хаёли, ним табассум билан нигоҳ ташлаб турган келинчакдек.

Бир асар қошида ҳар гал турлича туйғулар уйғотиш — баркамол, ҳақиқий санъатга хос хислат. Мен Эркабойнинг кўплаб асарларини кўрганман: «Наврўз», «Сумалак», «Сайл», «Чопаётган отлар», «Абадият», «Эрталабки сокинлик» ва ҳоказолар.

Асарларининг номлари эмас, хаёлимда томоша қилганимдан сўнг пайдо бўлган лўнда бир фикрлар узоқ вақт сақланиб қолади. Баъзиларини айтай: серқолдуз осмон остидаги водийда оқшом. Мангуликни излаб кетаётган инсон. Ҳазин, аммо умидбахш бир куй. Омонатроқ, лойсувоқ уйлардаги мангу бахт хотиралари... Қишлоқ даласидаги уфқнинг зарҳал рўмоли. Эркабой асарларининг ҳар бири ўзича сеҳрли ҳикоя, қалбингизга мухрланувчи хотирот парчалари. Эркабой ўз ҳисларини томошабинларга асарлари орқали улашаётган, элу юрт, ватан олдидаги фарзандлик бурчини узай деб ният қилган кўҳна заминнинг камтар рассоми. У билан суҳбат қуриш мароқли. Аммо, асарлари билан суҳбат қуриш яғаям мароқли. Балким, бўлажак кўргазмаларда унинг асарлари билан суҳбат қуриш сизга ҳам насиб этар. Унинг асарлари иболи қиздек бир чеккада осиғлиқ турсалар-да, қалб дунёсига қулоқ солсангиз, покиза бир туйғуларга тўлиб-тошасиз. Эркабой малакали мусаввир бўлиш учун республика рассомлик билим юртини, санъат олийгоҳини тамом қилган. Яъни, уста кўрган. Усталари ҳам барака топишсин, хўб талабчан ва меҳрибон бўлишгани беиз кетмабди.

Дарвоқе, у шу кунларда Алпомишнинг ватанпарварлиги, қаҳрамонлиги-ю, Ойбарчиннинг садоқатли туйғуларини акс эттирувчи йирик картинасини тугатди. Бу асар Ўзбекистон Бадиий Академияси томонидан сотиб олинди. «Алпомиш»ни тушларимда тез-тез кўриб тураман», — дейди рассом. Бу гапни эшитиб ўша достондан бир парча эсимга тушди:

Қултой бобо Алпомишга айтади:
Муна тоғда бўктарилган қормисан,
Қаторга тиркалган лўкча нормисан,
Элу юртга болам интизормисан,
Кўрар кўзим, юрт эгаси, бормисан?

Нодир НОРМАТ,
ёзувчи

«К» ҳарфи ўйланмаси



Ён бўйича: 1. Маккадаги муқаддас зиёратгоҳ. 2. Уруғидан шоколад тайёрланадиган ўсимлик. 3. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 4. Автомобиль кузови тури. 5. Меваси йирик баргли патсимон жануб дарахти. 6. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 7. Сопол буюмлари ҳунарманди. 8. Электр миқдорининг ўлчов бирлиги. 9. Ҳафталик газета. 10. Тожикистондаги вилоят. 11. Ҳисоб илмида ўнлик касрни жорий қилган риёзиёт ва фалакиёт олими. 12. Африкадаги дарё. 13. Қазилма ёқилғи. 14. Барчага намойиш қилиш, синов. 15. Ғўзанинг чаноқларидан иборат меваси. 16. Суякнинг ғовак қисми. 17. «Ўтган кунлар» романи қаҳрамонларидан бири. 18. Миллий спорт тури. 19. Осиёдаги давлат пойтахти. 20. Ер бағрида ўсувчи гиёҳ. 21. Заҳарли илон. 22. Геометрик шакл. 23. Бадиий буюм. 24. Ғаллазорда ўсувчи бегона гиёҳ. 25. Чопқир камёб жонивор. 26. Япониядаги шаҳар. 27. Шарқий Осиёдаги ярим орол. 28. Бинокорлик ашёси. 29. Лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич парранда. 30 Саргузашт романлар муаллифи, Америка адиби. 31. Полиз экини. 32. Чоржўй вилоятидаги шаҳар. 33. Электрод. 34. Сув йўли. 35. Рўзғор анжоми. 36. Қадимий давлат. 37. Уруғ ёки қаламчадан униб чиққан ниҳол. 39. Автомобиль қисми. 40. Қимматбаҳо маъдан ўлчов бирлиги. 41. Миллий торли мусиқа асбоби. 42. Тола олинадиган экин. 43. Мақолдан: Катта карвон қай йўлдан кўчса, ... карвон ҳам шу йўлдан кўчар. 44. Билим манбаи. 45. Заранг ерларни кавлашда ишлатиладиган асбоб. 46. Рўзғор буюми, тўшама. 47. Сув бўйи, тоғ бағри каби ҳудудда ҳосил бўладиган ғорсимон жой. 48. Сайроқи парранда.

Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига: 49 Қўлга ўргатиладиган парранда. 50. Қора, Азов ва Каспий денгизлари оралиғидаги ҳудуд. 51. Ўзаро боғланган бир неча иншоотлар туркуми. 52. Қора қайинларга мансуб мевали дарахт. 53. Дунё томонларини кўрсатувчи асбоб. 54. Юк ортилган транспорт воситалари қатори. 55. Миллий мусиқа асбоби. 56. Литвадаги шаҳар. 57. Австралияда тарқалган туяқуш. 58. Дарахтнинг баргга айланадиган қисми. 59. Ҳосилидан ёғ олинадиган ўсимлик. 60. Резина хомашёси. 61. Шолипоя ўсимлиги. 62. Товуқсимонларга мансуб йирик ўрмон қуши. 63. Биргаликда ўтказиладиган анжуман. 64. Ширинлик тури. 65. Деҳқончилик қуроли. 66. Немис астроном олими. 67. Канададаги бандаргоҳ шаҳар. 68. Ип ўрами.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Ўзбек тили» ўйланмаси жавоблари

Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атрофига: 1. Орипов. 2. Яссавий. 3. Дўсимов. 4. Оромий. 5. Усмонов. 6. Тарона 7. Нодира. 8. Фарғона. 9. Муқимий. 10. Дилдор. 11. Достон. 12. Нафасов. 13. Алифбо. 14. Бобурий. 15. Қодирий. 16. Азизов.

Муаммонома: Очқич сўзлар: 1. Бойқаро. 2. Имло. 3. Нутқ. 4. Мазмун. 5. Ечим. 6. Якун. 7. Қадр.

Ибратли сўзлар:
Турки назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни яккалам.

Болалар дона сурганда

Пойтахтимизнинг «Юнусобод» спорт мажмуи ўн кун мобайнида гавжумлашиб турди. Бу ерда «Труд» газетаси соврини учун болалар ўртасида шахмат бўйича анъанавий халқаро турнир ўтказилди. Дона сириш бахсларида турли ёшдаги 200 нафардан кўпроқ бола ўзаро куч синашди. Хусусан, 12 ёшлилар ўртасида Осиё чемпиони Антон Филиппов 1-ўринни эгаллади. Қашқадарёлик Аброр Алиёров билан қозоғистонлик Мухтор Какенов 2-3- ўринларни эгаллашди. Қизлардан Елена Левушкина 8 очко тўплаб муддатлан олдин муваффақиятга эришди. 10 ёшли болакайлар баҳси ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Қирғизистонлик Ринат Жумабоев билан тошкентлик Ирина Гиорган ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. «Труд» газетасининг Ўзбекистондаги вакили, мусобақа ташкилотчиси Валерий Бирюковнинг фикрига қараганда мусобақа йилдан йилга оммавийлашиб бормоқда. Бу йил болалар мусобақасига Россия, Украина, Белоруссия, Малайзия ва Туркия шахмат федерациялари ҳам катта қизиқиш билдиришган.

Жамила Эшонқулова ТошДУ журналистика факультети талабаси

Сил ҳақида нималарни билиш керак?

Шифокор минбари

Сил касаллиги (туберкулёз) ўта юқумли касаллик бўлиб, сайёрамизда кенг тарқалган. Бутун дунё соғлиқни сақлаш муассасаси (ВОЗ) маълумотларига кўра ҳозирда бутун дунёда 20 миллионга яқин бу касаллика дучор бўлган беморлар бўлиб, шулардан 7 миллиони атроф муҳитдаги одамларга сил касаллигини юқтириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ҳар йили 3,5 миллион одам сил билан хасталанади ва 1 миллиондан ортиқ бемор ҳаётдан кўз юмади. сил касаллигини кенг тарқалганлиги, ёш ва жинс танламаслигини асосий сабаби бу унинг юқумлигидир. 1882 йилда бу юқумли «агентни» биринчи бор немис микробиолог олими Роберт Кох микроскоп орқали кўриб касалликни келтириб чиқарувчи сил микроскопини кашф этди. Сил микроби таёқча кўринишида бўлиб, атроф-муҳитга силга дучор бўлган беморлар балғами, туфиги, сийдиги, безлардан чиққан йиринги, ҳатто она сути билан жуда кўп ажралиб чиқаради.

Одамлар сил жараёнини келтириб чиқарувчи сил таёқчалари, қора моллардаги сил жараёнини келтириб чиқарувчи ва дала сичқонларида сил келтириб чиқарувчи турлари мавжуд. 58 турдан ортиқ ҳайвон ва паррандалар сил билан хасталаниши мумкинлиги исботланган. Уй ҳайвонларидан сигир, қўй, эчки, туя, қуёнлар, паррандалардан товуқлар сил хасталигига учраши мумкин.

Агар одам силга дучор бўлган ҳайвон ёки парранда маҳсулотлари (сут, гўшт ва ҳоказо) истеъмол қилса, сил билан хасталаниши аниқланган.

Лекин сил инфекциясини тарқатувчи асосий манбъа бу силга дучор бўлган бемор бўлиб, йўталганда, аксирганда, қулганда, балғам, сўлак томчилар 0,5-1,0 метрга отилиб боради. Бу томчиларнинг ҳар бирида 100 минглаб сил таёқчалари бўлади, улар ҳавода чанг билан қўшилиб, бир неча соатга учиб юриши ва соғлом кишининг нафас йўлларидан организмга кириб, кўпайиши мумкин. Сил микробини ажратувчи бемор 7 нафардан 10 нафаргача кишига касалликни юқтириш эҳтимоли бор. Беморнинг кийимларида, идишларида ва бошқа нарсаларида ҳам сил микроблари бўлади, шунинг учун бу нарсалардан ҳам соғ одамга касаллик юқиши мумкин.

Сил микроблари ташқи муҳитда узоқ сақланиши мумкин, қуёш нури тушмайдиган уйда 2 ойгача ҳам тирик сақланади. Бу микроблар совуққа жуда чидамли бўлиб, ҳарорати-30 градус бўлган соя жойларда 3 йилгача сақланиши мумкин. Микроб учун қулай шароит бўлса, у-260 градус совуқда ҳам нобуд бўлмайди.

Сил касаллиги вужудга келиб ривожланишида касалликни юзага чиқарадиган омиллар тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш зарур. Сил касаллиги ижтимоий касаллик бўлиб, аҳолининг яшаш, меҳнат шароити, турмуш даражасига боғлиқ. Оқсил, витаминларга бой бўлган маҳсулотлар истеъмол қилмаслик, жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида организмни чиниқтирмаслик, чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, айниқса гиёҳвандлик инсон организмини касаллика қарши кураш қобилиятини пасайтириб, сил жараёнини ривожланиши учун туртки бериши мумкин.

Турли касалликлар (қандли диабет, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси,) қаттиқ асабий бузилишлар, руҳий тушкунликлар, ҳомиладорлик ҳолатлари ҳам сил касалликлари белгиларини юзага чиқишини тезлаштирадиган омиллардан ҳисобланади.

Айниқса спиртли ичимликлар, гиёҳвандликка, чекишга муккасидан кетган шахслар орасида сил касаллиги бошқа одамлар тоифасига нисбатан 3-5 баробар кўпроқ учраб, оғир кечади, ўпкада яра ҳосил бўлиши мумкиндир.

Охирги вақтларда экологиянинг ёмонлашуви сил билан касалланишга сабабчи омиллардан эканлиги исботланди. Бизнинг республикамиз учун Орол бўйи аҳолиси орасида бу касаллик учраб турибди.

Сил касаллиги одам танасининг турли аъзоларини шикастлаши мумкин.

Сил таёқчалари ўпкада ва бошқа аъзоларда ўзига хос яллиғланиш пайдо қилиши билан бирга, алоҳида захар (токсин) ишлаб чиқариб, бутун организмни захарлайди. Микроб захар қон билан тарқалиб, беморнинг асаб системасини, ички секреция безлари (эндокрин) ва бошқа аъзоларининг иш фаолиятини бузади. Шунинг учун бемор касаллик бошланиши билан тез чарчайдиган бўлиб қолади, ҳолсизлик, тинка қуриши, иштахасизлик, асабийлик, сабабсиз озиб кетиш аломатлари кузатилади.

Сил касаллигини олдини олиш бир неча йўналишларда олиб борилади.

Ахолини турмуш даражасини коммунал, хизмат кўрсатишни яхшилаш, ахолини, айниқса қишлоқ ахолисини газ билан таъминлаш, марказлашган сув таъминотини амалга ошириш организмни чиниқтириш, шулар жумласидандир.

Эмлашдан мақсад организмнинг сил касаллигига қарши курашиш қобилиятини ҳосил қилиш ва кучайтиришдир.

Силни олдини олишда санитар-гигиеник тадбирлар ўтказиш муҳим. Силга дучор бўлган беморни шифохонага ётқизиб даволаш, бемор хонадонини дезинфекция қилиш, шахсий гигиена ва санитария қоидасига риоя қилиш касалликни бошқа одамларга юқишини олдини олади.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, сил касаллигини олдини олса бўлади.

Бунинг учун фақатгина тиббиёт ходимларигина эмас, балки ҳамма соҳа вакиллари бир ёқадан бош чиқариши зарур.

Абдувоҳид СОДИҚОВ,
2- Тошкент давлат тиббиёт институти сил касалликлари кафедраси профессори,
Тоҳирбек ЯҚУББЕКОВ
1- шаҳар клиник сил касалликлари шифохонасининг бош шифокори

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги 197-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Тўлаганов Тоҳир Қодирович номига берилган UZI № 310670 рақамли таянч маълумот гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкентдаги 3-автокомбинат жамоаси, шу автокомбинат раҳбарининг ўринбосари Турсун Болтаевга падари бузруквори

Садир ота БОЛТАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.